

АБДУЛЛА ОРИПОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА

## МУНОСИБ ТУҲФА

Бугунги ўзбек адабиёти ҳақида гап кетганда, кўз ўнгимизда биринчи навбатда халқимизнинг ардоқли шоири Абдулла Орипов сиймоси намоён бўлиши, шубҳасиз. Фақат адабиёт ихлосмандлари ёки шеърят мухлислари эмас, балки ҳар бир ўзбек фарзанди унинг шеърларини ўқиб улғайган, десак, муболага эмас.

Шу боис мамлакатимизда ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган атоқли шоир, таниқли жамоат арбоби, Давлат мадҳиясининг муаллифи, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг серқирра ижодий мероси адабиёт ихлосмандлари томонидан доимо қадрланади.

Севимли шоиримизнинг она Ватанга муҳаббат, вафо ва садоқат туйғусини, олижаноб фазилатларни тараннум этувчи гўзал бадиий асарлари, сермазмун ҳаёти ҳамда ижодий фаолиятининг халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёш авлод тарбиясида тутган ўрни ниҳоятда беқиёсдир.

Яқинда «Akademnashr» нашриётида чоп этилган Абдулла Орипов ҳақидаги хотиралардан иборат «Ўзбекистон – дилбар Ватаним» китобини адабиёт ихлосмандларига муносиб туҳфа, дейиш мумкин.

Акмал Саидов, Қаландар Абдурахмонов ва Фулом Мирзо муаллифлигида нашр этилган китобнинг биринчи қисми «Абдулла Орипов сийрати» деб номланади. Унда узоқ йиллар Олий Мажлис депутати сифатида ардоқли шоиримиз билан биргаликда фаолият юритган, хорижий давлатларга сафарларда унга ҳамроҳлик қилган, ҳаётда доимо дўст, дилкаш суҳбатдош бўлган академик, юридик фанлар доктори, профессор Акмал Саидовнинг Абдулла Орипов билан қарийб ўттиз йиллик мулоқотлари асносида қоғозга туширилган эссе, мақола, шунингдек, хотиралари жой олган.



### УМРИМИЗ ЙЎЛЛАРИ

Оқшом чўқар аста,  
Бошланади тун  
Тошкентнинг ўрда-ю гўшаларида.  
Ўғлим иккаламиз кезамиз беун  
Улкан бу шаҳарнинг кўчаларида.

Самодан тушгандек миллионлаб чирок,  
Фаройиб нур билан чулғанар замин.  
Бу жойда жам бўлар яқин ва йироқ,  
Мен бунда тотганман ёшликнинг таъмин.

Улуғ давраларда чархланди руҳим,  
Кўрдим дўстларимдан иззат, эътибор.  
Сирли шеърятга тўлди шуқуҳим,  
Балки зиналарда изларим ҳам бор.

Энди ёшим ўтган, қадрдонлар кам,  
Билмайман ногаҳон борар еримни.  
Торайиб қолгандек кўринар олам,  
Гарчанд эъзозлашар ҳамон шеъримни.

Болам-чи, во ажаб, у ҳам беманзил,  
Гўёки соҳилда қолдик икковлон.  
Шаҳар қайнаб ётар, одам турфа хил,  
Омад боқмас лекин бизларга томон.

Умрнинг бепоён йўллари бўйлаб,  
Қайгадир жимгина ташлаймиз қадам.  
Мен-ку ниманидир юрибман куйлаб,  
Фарзандим кўнглида нелар бор, билмам.

Инсон тафаккури, бахту иқболи,  
Жўн бир тасодифга боғланмасин ҳеч.  
«Олам заволидир олим заволи»,  
Буни Расулulloҳ айтган эрта-кеч.

Ҳикматни уқмади лекин одамзот,  
Оёқ ости бўлди онг билан шуур.  
Заминда юрсак ҳам бепар, беқанот,  
Ҳар нечук ҳаётмиз, шунга ҳам шукур.

Ўғлим, фақатгина Ҳақнинг йўлини тут,  
Фақат эзгулик деб қилгин ибодат.  
Бир кун бу синовлар бўлгайдир унут,  
Буюк иродангга таянгин фақат.

Ҳамдамдек қувончим ва фарёдими,  
Яна кўринади қуёш тонг-сахар.  
Олис ёшлигимни солиб ёдимга,  
Бошимни силайди онамдек шаҳар.